

Ayrim iqtisodchilar tomonidan eksportni rivojlantirish va importni cheklash tashqi savdo orqali iqtisodiy rivojlanishning asosiy mezonini qilib ko'rsatilsa-da, importning iqtisodiyotda ahamiyati yuqori ekanligini rad etib bo'lmaydi. Birinchidan, importni hamma mamlakat amalga oshirishi tabiiy, chunki barcha mamlakatlar eksport qilishi mantiqqa to'g'ri kelmaydi. Bir mamlakatning eksporti

boshqa bir mamlakatga importi bo'ladi. Ikkinchidan, samarali importni amalga oshirish iqtisodiyot ravnaqini barqarorlashtiradi. Importi orqali yuqori eksport salohiyatiga ega davlat sifatida Yaponiyani misol qilishimiz mumkin. Shu sababli importini mufassal o'rganib, uni optimallashtirish iqtisodiyotning barqaror rivojlanishiga olib keladi.

Manba va foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoevning 2020-yil 21-yanvardari O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Qonunchilik palatasi va Senatining qo'shma majlisidagi so'zlagan nutqidan. www.lex.uz
2. <https://kun.uz/uz/news/2020/07/03/jahon-bankining-ozbekistondagi-vakolatxonasi-yangi-rahbari-ozining-ustuvor-vazifalarini-aytib-otdi#>
3. 2020-2025-yillarda O'zbekiston Respublikasida statistikani rivojlantirishning milliy strategiyasi.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 3-avgustdagi "O'zbekiston Respublikasining Milliy statistika tizimini yanada takomillashtirish va rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-4796-son qarori.
5. Гаджиев Ю.А. Зарубежные теории регионального экономического роста и развития. // Экономика региона. 2009 г. № 2. 45-62 с.
6. Гужва Е.Г., Лесная М.И., Кондратьев А.В., Егоров А.Н.; – СПб.: СПбГАСУ, 2009 г. 109 – 116 с.
7. Оболенский В.П. Наращивание российского несырьевого экспорта: возможные риски. // Российский внешнеэкономический вестник. 2018 г. № 9. – С. 22-32
8. Новикова А.А. Новые международные статистические группировки для изучения товарных связей регионов. Российский внешнеэкономический вестник. 52-стр. 3 – 2020. – С. 46-48
9. <https://www.ecb.europa.eu> -Yevropa Markaziy banki rasmiy sayti.
10. www.stat.uz rasmiy veb-sayti.



ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ “ЯШИЛ” ЭКСПОРТИНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Муратова Шохиста Ниматуллаевна -
Божхона қўмитасининг Божхона институти
профессори, и.ф.д. (DSc)

doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a4

Аннотация. Мақолада замонавий шароитда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, хусусан, Европа Иттифоқи билан ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш жараёни таҳлил қилинган бўлиб, бу жараёнга саноатда экспорт ўсиш суръатларининг секинлашиши ҳамда миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва унинг жаҳон миқёсида рақобатбардошлигини таъминлаш учун юқори технологияли товарларнинг сотиш ҳажмини ошириш зарурати сезиларли таъсир кўрсатиши тавсифланган. “Яшил” экспорт тушунчасига аниқлик киритилиб, унинг иқтисодий ва божхона жиҳатлари кўриб чиқилган, шунингдек SWOT-таҳлили асосида “яшил” экспортнинг кучли ва заиф томонлари аниқланган, уни миллий иқтисодиётда ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари келтирилган.

Калит сўзлар: тайёр маҳсулотлар экспорти, “яшил” экспорт, иқтисодий хавфсизлик, “яшил” технологиялар, Европа Иттифоқи, саноат товарлари экспорти, “Яшил божхона”, циркуляр иқтисодиёт, “яшил” экспортнинг SWOT-таҳлили.

ВОЗМОЖНОСТИ И ПЕРСПЕКТИВЫ «ЗЕЛЕННОГО» ЭКСПОРТА ПОТРЕБИТЕЛЬСКИХ ТОВАРОВ

Муратова Шохиста Ниматуллаевна -
Таможенный институт Таможенного комитета,
профессор кафедры, д.э.н. (DSc)

Аннотация. В статье рассматривается процесс реализации внешней торговой политики Республики Узбекистан и зарубежных стран, в частности Европейского Союза в современных условиях. Существенное влияние на данный процесс оказывает снижение темпов роста экспорта в промышленности и обозначившие необходимость повышения продаж высокотехнологичных товаров для обеспечения устойчивого роста национальной экономики и ее конкурентоспособности в мире. Уточнено понятие “зеленый” экспорт и рассмотрено в экономическом и таможенном аспектах, также на основе SWOT-анализа выявлены слабые и сильные стороны “зеленого” экспорта, определены возможности и перспективы его развития в национальной экономике.

Ключевые слова: экспорт готовой продукции, “зеленый” экспорт, экономическая безопасность, “зеленые” технологии, Европейский союз, экспорт промышленных товаров, “Зеленая таможня”, циркулярная экономика, SWOT-анализ “зеленого” экспорта.

*Muratova Shokhista Nimatullayevna -
Customs Institute of the Customs Committee,
professor, Doctor of Economics (DSc)*

Abstract. *The article discusses the process of implementing the foreign trade policy of the Republic of Uzbekistan and foreign countries, in particular the European Union in modern conditions. This process is significantly affected by the slowdown in export growth rates in industry and the need to increase sales of high-tech goods to ensure sustainable growth of the national economy and its competitiveness in the world. The concept of "green" exports has been clarified and considered in the economic and customs aspects, also based on the SWOT-analysis, the weaknesses and strengths of "green" exports have been identified, the possibilities and prospects for its development in the national economy have been identified.*

Key words: *export of finished products, "green" export, economic security, "green" technologies, European Union, export of manufactured goods, "Green Customs", circular economy, SWOT- analysis of "green" export.*

Кириш. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви даврида миллий иқтисодиётларни ривожлантириш мақсадида мамлакатларнинг савдо майдони фаол интеграциялашуви иқтисодий ва сиёсий жараёнлар билан бирга кечади. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг қабул қилиниши мамлакатимиз учун алоҳида аҳамиятга эга. Бундан ташқари, мазкур ҳужжатда республиканинг экспорт салоҳиятини янада ошириш ва 2026 йилда республика экспорти ҳажмини 30 млрд. АҚШ долларига етказиш бўйича қатор вазибалар белгилаб берилган. Шу билан бирга, экспорт тузилмасида тайёр маҳсулот ва ярим-тайёр маҳсулотлар улушини 3,3 баробар ошириш, Европа давлатларига GSP+ тизими доирасида тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш вазибаси қўйилди [1].

Жаҳон тараққиёти шароитида Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо сиёсати унинг халқаро меҳнат тақсимотидаги самарали иштирокини амалга оширишга асосланади. Иштирокчи давлатларнинг кучли экспорт позицияларига қарамай, мамлакатимизнинг халқаро ишлаб чиқариш жараёнларига интеграциялашувининг салоҳияти мамлакатимиз билан хорижий давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликка асосланганлигидир. Хорижий мамлакатларда талаб юқори бўлган саноат товарлари, шунингдек, юқори қўшимча қийматли товарлар бозорини ривожлантириш вазибаси миллий иқтисодиёт учун долзарбдир, чунки бу унинг барқарор ўсишини таъминлаш ва корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш шарти ҳисобланади.

Айни пайтда экспортнинг қарийб 67 фоизи (2021 йилда 11 229,0 млн. АҚШ доллари) хорижий давлатларга, 33 фоизи (2021 йилда 5 433,8 млн. АҚШ доллари) МДХ давлатларига тўғри келади. Европа Иттифоқи (кейинги ўринларда – ЕИ) давлатларидан Ўзбекистон Республикасининг муҳим савдо ҳамкорлари Бельгия, Болгария, Германия, Греция, Кипр, Франция, Чехия ва Эстония ҳисобланади [2]. Мамлакатимиз учун ЕИга экспортни қазиб олиш саноати-

нинг товар гуруҳларидан қайта ишлаш саноати, шу жумладан "яшил" технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган товар гуруҳларига йўналтириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу ҳолат "тоза" айланма иқтисодиётга ўтиш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва атроф-муҳит ифлосланишини камайтиришни ўз ичига олган Европа "Яшил битим" шартлари билан белгиланади [3].

Бугунги кунда ЕИ ўзини халқаро иқлим сиёсатида етакчи сифатида кўрсатиб, атроф-муҳитни халқаро савдода учинчи давлатлар билан муносабатларнинг муҳим тамойилларидан бири сифатида белгиламоқда ва Париж битимини халқаро савдо шартномаларининг асосига айлантириш таклиф этилмоқда. Бу ЕИнинг ўз ҳудудига импорт қилинувчи маҳсулотларга қўйиладиган талабларини ошириш, шунингдек, "жигарранг" технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган хомашё, товарларнинг айрим турларини импорт қилиш ҳажмини камайтиришга ёки импорт қилишдан бош тортишга олиб келади.

Ушбу мақолани тайёрлашда барқарор ривожланиш шароитида ЕИ мамлакатларига экспортни ривожлантиришда мавжуд асосий муаммоларни аниқлаш ва истиқболни белгилаш мақсад қилинган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. A.Goldar, J.Bhanot, K.Shimронинг фикрларича, "яшил" экспорт деганда жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган ва "экологик" тозалик талабларига жавоб берувчи товарлар тушунилади (экспорт пайтида CO₂ чиқиндиларининг интенсивлиги) [4].

Тадқиқотчилар – M.Huberty, G.Zachmann "яшил" саноат сиёсатининг "яшил" экспорт рақобатбардошлигига таъсирини таҳлил қилганлар [5].

Тарихий-фалсафий тафаккур намуналарини ўрганиш натижалари экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш даражасига, маҳсулот турига, саноат турига, минтақа турига ва унинг географик жойлашувига қараб

“яшил” экспортни ривожлантириш омилларининг фарқланишидан далолат беради. N.Viçaksoğlu-Reynirçi, M.Tanyeri ривожланаётган мамлакатларда “яшил” экспортнинг бизнес-стратегиясини ўрганиш ташкилий ресурслар, корхона имкониятлари ва манфаатдор томонларнинг экспорт бозоридаги сезиларли босими ва бизнеснинг молиявий кўрсаткичлари ижобий эканлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини беришини таъкидлайдилар [6].

Илмий адабиётларнинг таҳлилига кўра, Г.А.Барышева, М.С.Егоровалар [7] ўз тадқиқотларини “яшил” технологияларни, И.Н.Омельченко [8] эса, “яшил” логистика тамойилларини жорий этиш муаммосига қаратган.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ОЕСД) маълумотларига кўра, “яшил” технологиялар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан бирга иқтисодий ўсишни кўзда тутуди. Буларнинг барчаси – паст углеродли, ресурслар самарадорлиги ва ижтимоий инклюзивлик билан тавсифланадиган “яшил” иқтисодиёт тамойилларидир.

Р.Фукс ЕИ мамлакатлари капитализмининг экологик трансформациясини “яшил” технологияларга бирлаштириш ва инвестицияларни фаоллаштириш асосида амалга оширишни таклиф қилади [9].

И.Шеффи, Э.Бланко бу турдаги технологияни хусусий ишлаб чиқаришга жорий этиш шартларини ўрганган [10, Б.28-29]. Тижорат ва “яшил” манфаатлар мувозанатига хомашё, яримтайёр маҳсулотлар, қўлланиладиган технологияларни етказиб бериш занжирини назорат қилиш орқали эришилади.

Баъзи муаллифлар халқаро “яшил” трендларни мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига яширин таҳдидлар деб ҳисоблайдилар. Улар “яшил” технологияларни жорий этишда оқилона мўътадилликка чақирмоқда, акс ҳолда бу жараён ўтган асрдаги совуқ уруш давридаги қуролланиш пойгасига ўхшаш мамлакатлар ўртасида қарама-қаршиликни келтириб чиқариши мумкин. Экспортни ташқи савдо фаолиятининг таркибий қисмларидан бири сифатида ҳисобга олган ҳолда, тадқиқотимизнинг терминологик соҳасида иқтисодий, божхона ва логистика жиҳатларини ажратиб кўрсатишни таклиф қиламиз.

Иқтисодий нуқтаи назардан экспорт – товарни қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқишдир. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида экспорт божхона режимига жойлаштирилган ва амалда божхона ҳудудидан олиб чиқилган товар Ўзбекистон товари мақомини йўқотади [11].

Тадқиқот методологияси. Товарларнинг “яшил” экспортини ташкил этиш, бошқариш ва

тартибга солиш бўйича мавжуд илмий тадқиқотларни ўрганиш, мавжуд тенденцияларни қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ҳамда иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқот мақсадига эришиш учун экспорт босқичларидан бири сифатида атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи технологиялардан фойдаланмаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўриб чиқамиз. Бу импорт қилинадиган маҳсулотлар учун халқаро стандартларнинг (ЕИ мамлакатларида) қатъийлаштирилиши билан тушунтирилади. Унга кўра етказиб берувчи товарларни ишлаб чиқариш, сақлаш ва ташиш учун ишлатиладиган технологияларни кўрсатиши шарт.

Божхона ишида экспорт Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий бўлиши учун олиб чиқиладиган товарларга нисбатан қўлланилувчи тартибдир. Логистика товарларни бир мамлакатдан бошқасига экспорт қилишда етказиб беришни ўз ичига олади. Европа “яшил” пактининг қабул қилиниши экспортни амалга оширишнинг ҳар бир босқичида “яшил” технологиялардан фойдаланишни назарда тутуди. “Яшил” экспорт деганда, товарларни ишлаб чиқариш, уларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш ва хорижий давлатга экспорт қилиш ва сотиш мақсадида логистика бўйича экологик тоза технологияларга асосланган жараённи тушунамиз. Яъни бу жараён куйидаги 5 босқичдан иборат бўлади:

1. ЕИ бозорини танлаш.
2. ЕИ талабларига мувофиқ ишлаб чиқариш.
3. Божхона расмийлаштируви.
4. Етказиб бериш / логистика.
5. Тўлов.

Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ, экспортнинг таркибига товарларни хорижий давлатга чиқариш ва божхона расмийлаштируви киради. Унинг таърифида ишлаб чиқариш босқичи ҳисобга олинмайди. Фикримизча, импорт қилувчи мамлакатлар (ЕИ) товар ишлаб чиқарувчилар томонидан қўлланиладиган технологияларга юқори экологик талаблар қўядиган шароитда экспорт моделида товарларни ишлаб чиқариш босқичида “яшил” технологиялардан фойдаланишга эътибор бериш муҳимдир. “Яшил” экспортнинг ривожланиш даражаси унинг белгиланган босқичларида экологик технологиялардан фойдаланишнинг синергик самарасидир. Ишлаб чиқариш, логистика ва божхона расмийлаштирувида “яшил” технологияларни ишлаб

чиқиш ва жорий этиш даражаси ҳар хил. Логистикада “яшил” трансформациялар самарали ва етарлича ривожланган деб баҳоланади [12].

Божхонадаги “яшил” технологиялар қуйидагилардан иборат:

- электрон декларация тизими;
- сунъий интеллектни жорий этиш;
- замонавий текшириш ҳамда скрининг комплекслари ва бошқалар.

Божхона амалиётига “яшил” технологияларни жорий этишнинг асосий омиллари – технологияларнинг ривожланиш даражаси ва давлат бюджетидан молиялаштириш ҳисобланади. Экспертларнинг (ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, божхона мутахассисларининг) [13] фикрича, божхона хизмати фаолиятида “яшил” технологиялар анча самарали ҳисобланади. “Яшил” экспорт триадасидаги аҳамияти жиҳатидан ишлаб чиқариш соҳаси экспорт объектлари яратиш, фойдани кўпайтириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ўртасидаги қарама-қаршиликлар мавжудлиги, маҳсулот сифати ва ишлаб чиқаришга қўйиладиган халқаро талаблар кучайтирилиши туфайли алоҳида ўрин тутди. “Яшил” саноат сиёсати доирасида тармоқларни “яшиллаштириш” учун мутахассислар [14] қисқа муддатли фойда келтирувчи чора-тадбирлар (энергия самарадорлигини ошириш, табиий ресурсларни бошқариш, ихтиёрий барқарорлик стандартлари, эко-ёрлиқларни жорий этиш)ни таклиф қиладилар. Таклиф этилаётган модель экспорт қилинадиган товарнинг бутун ҳаётий даврини қамраб олади ва “яшил” экспортни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда тизимли ёндашувдан фойдаланишга ёрдам беради.

Маълумки, Жаҳон божхона ташкилоти кенгашининг сессиясида “яшил божхона” стратегик режанинг устувор йўналишларидан бири сифатида қабул қилинган ва, шу боис, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда божхонанинг ўрни тўғрисида хабардорликни ошириш ва бу борада божхона хизматининг истиқболлини белгилаш мақсадида бир қатор манфаатдор томонлар иш-

тирокида 2022 йил июнь ойида Жаҳон божхона ташкилоти “Яшил божхона” бўйича Глобал конференция”ни ташкил қилди.

Конференциянинг муҳокама майдончаларида циркуляр иқтисодиёт концепцияси ва унинг божхонага таъсири муҳокама қилинди. Циркуляр иқтисодиёт билан боғлиқ савдонинг янги тенденциялари (товарларни қайта ишлаш, қайта ишлатиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш), шунингдек, айланма иқтисодиётга ўтишнинг асосий муаммолари, шу жумладан савдонинг экологик “изи”ни кузатиш ва мониторинг қилиш учун маълумотларнинг етишмаслиги кўриб чиқилди. Божхона форуми иштирокчилари чиқиндиҳонага йўналтирилган хавфли чиқиндилар кўпинча қайта ишлаш учун мўлжалланган товарлар кўринишида яширин ҳолда олиб ўтилиши сабабли, қайта ишлашга мўлжалланган товарларни қандай аниқлаш мумкинлиги масаласини кўтардилар. Ёғоч савдосига бағишланган қўшимча сессияда мутахассислар ўрмонларнинг кесилишига қарши курашишда божхона органларининг ролини алоҳида таъкидладилар. Мутахассислар божхона органларини савдо, экология ва бошқа тегишли давлат органлари ҳамда бизнес билан очиқ ҳамкорликка жалб этиш зарурлигини таъкидладилар. Улар экологик хавфларни бошқариш учун технология ва инновациялардан фойдаланишнинг баъзи мисолларини кўрсатдилар [15].

Ҳозирги кунда “яшил” компаниялар рейтингиде жаҳон етакчилари ИТ-технологиялари, компьютер техникаси ишлаб чиқарувчилари, молиявий корпорациялар вакиллари ҳисобланади. “Яшил” технологияларни ривожлантиришнинг асосий ижтимоий-иқтисодий омиллари жамият томонидан “яшил” товарларга талабнинг аҳамиятсизлиги, қайта тикланиши учун катта инвестицияларни талаб қилувчи ресурсни кўп талаб қилувчи тармоқларнинг устунлигидир. Ўзбекистон Республикасидан ЕИ мамлакатларига товарлар экспорти кўрсаткичларини таҳлил қиламиз (1-жадвал).

1-жадвал

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасидан Европа Иттифоқи мамлакатларига товарлар экспорти динамикаси*

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Ҳажми, млн.АҚШ долл.	472,3	650,1	635,2	452,3	637,3
Ўсиш суръати, %	-	37,6	-2,3	-28,8	40,9

* [2] асосида муаллиф томонидан тузилган

1-жадвал таҳлилига кўра, Ўзбекистон Республикасидан товарлар экспорти ҳажми 2019 йилда мос равишда 2,3 фоизга ва 2020 йилда 28,8 фоизга камайди. Умуман, 2019-2020 йил-

ларда экспорт суръатининг пасайиши бу, биринчи навбатда, COVID-19 пандемияси даврида импорт қилувчи мамлакатлар томонидан қабул қилинган карантин шароитлари билан боғлиқ.

Айтиш жоизки, 2017-2021 йилларга мўлжалланган экспорт тузилмаси таҳлил қилинганда, саноат товарлари улуши тахминан 20-25 %ни ташкил этди (2-жадвал). Саноат товарлари ЕИ мамлакатларига экспорт қилинадиган товарлар турларидан биридир. Ўзбекистон Республикасидан саноат товарлари экспортининг кичик ҳажмларига қарамай, юқори технологияли товарларнинг айрим гуруҳлари бугунги кунда муваффақиятли сотилмоқда ва улар ЕИ мамлакатларида юқори талабга эга.

Фикримизча, барқарор ривожланиш тамоилларини қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “яшил” экспортини ривожлантириш истиқболларини белгилаш вақти келди. Минерал ёқилғи, пахта-трикотаж маҳсулотлари етказиб берилаётган юқори даражадаги экологик тоза маҳсулотлардан бири бўлиб, мазкур тармоқлардаги кўплаб корхоналар хорижий сармоя иштирокида ишлаётгани ва экспортга йўналтирилганлиги сабабли уларда ишлаб чиқаришга “яшил” технологияларни жорий этиш истаги юқори.

2-жадвал

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси экспорти таркиби, млн. АҚШ доллари*

Товар тоифаларининг номи	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Жами:	12 534,2	13 990,4	17 458,7	15 102,3	16 662,8
Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар	817,9	1 029,9	1 436,4	1 336,2	1 371,8
Ичимликлар ва тамаки	23,4	22,3	29,8	27,1	36,0
Ёқилгидан ташқари ноозиқ-овқат хомашёси	626,6	427,5	591,2	456,1	509,5
Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар	1 607,6	2 666,8	2 528,9	659,0	914,8
Ҳайвон ва ўсимлик мойлари, ёғлар ва мумлар	0,0	0,1	12,4	26,8	1,5
Бошқа тоифаларга кирмаган кимёвий моддалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар	860,7	881,3	836,5	820,9	1 131,2
Хомашёси бўйича таснифланадиган саноат товарлари	2 200,7	2 411,8	2 752,9	2 906,4	4 333,1
Машина ва транспорт воситалари	350,8	204,1	421,8	434,4	693,6
Турли тайёр маҳсулотлар	311,8	337,6	435,7	617,3	785,6
Бошқа тоифаларга киритилмаган товарлар ва операциялар	3 260,0	2 939,0	4 978,2	5 813,1	4 303,9
Хизматлар	2 474,5	3 070,0	3 434,8	2 005,0	2 581,7

* [2] асосида муаллиф томонидан тузилган.

Ғарб давлатларида янада самарали қуёш ва ёнилғи элементлари, экологик тоза аккумуляторларни яратиш мақсадида “яшил” нанотехнологияларни ривожлантирилмоқда. Энергия билан боғлиқ энг илғор нанотехнология ташаббуслари материаллар ҳажми ва технологик жараёнлар тезлигини камайтириш, энергияни тежаш ва қайта тикланадиган энергия манбаларининг ишлаш муддатини узайтириш орқали ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлардир. “Яшил” нанотехнологиялар жамиятда сувни тозалаш соҳасида ҳам кенг талабга эга [16].

Электромобиллар – истиқболли маҳаллий экспорт товари ҳисобланади. Улардан фойдаланиш глобал иқтисодиёт учун ҳам долзарб аҳамият касб этади. Бироқ, ушбу транспорт тури учун аккумуляторлар ишлаб чиқариш энергия ва углеродни талаб қилади. Тадқиқотларга кўра, литийли аккумуляторларнинг нархи ва ишлаб чиқариш ҳажми ошишда давом этади. Қайта зарядланувчи аккумуляторлар литийдан глобал фойдаланишнинг ярмини ва кобальтдан 40 %ни ташкил қилади; аммо, унинг катта қисми маиший электроникада ва фақат кичик қисми электроавтомобиль аккумуляторларида қўлланилади. Европада электромобиллар сотувининг ўсиши туфайли вазият ўзгариши мумкин. 2030 йил-

гача бўлган даврда уларни ишлаб чиқариш ҳажми 25 баравар ошади, литий ва кобальтга талаб кескин ошади [17].

Ўзбекистон Республикасининг электромобиллар учун аккумуляторлар, аккумуляторларни зарядловчи инфратузилма элементлари ва бошқаларни ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилишдаги рақобатдош устунликларини баҳолаш бу соҳадаги мутахассисларни қизиқтириши керак.

Тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикасининг мақсадли бозор – ЕИ мамлакатларига “яшил” экспортни ривожлантиришнинг асосий муаммолари аниқланди:

1. “Яшил” технологияларга инвестициялар етарли эмас, бу эса кичик ва ўрта корхоналарни қайта жиҳозлашни қийинлаштиради. Бугунги кунда “яшил” экспорт йирик бизнеснинг имтиёзидир.

2. Маҳаллий истеъмолчилар томонидан экологик тоза маҳсулотларга талаб пастлиги.

3. Ишбилармонлик учун етарли даражада қулай ахборот ва бизнес платформаси йўқлиги.

4. “Яшил” экспорт билан шуғулланувчи корхоналар учун ноқулай шароитлар. Бевосита “горизонтал саноат сиёсати” зарур [18].

5. Асосий мақсад йирик компаниялар эмас, балки кичик ва ўрта корхоналардир. “Яшил” экспорт ташқи иқтисодий фаолиятнинг анча ёш йўналиши бўлгани учун уни таҳлил қилиш, ташқи ва ички таҳдидларни, ривожланиш истиқболларини аниқлаш зарурати туғилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг ЕИ мамлакатларига “яшил” экспортни амалга оширишнинг SWOT-таҳлили ўтказилди (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи мамлакатларига “яшил” экспортнинг SWOT-таҳлили

S - Кучли томонлари	W - Кучсиз томонлари
<ul style="list-style-type: none"> - рақамлаштириш ва божхона хизмати фаолиятига сунъий интеллектни жорий этиш; - иқтисодиётга рақамли технологияларни жорий этиш; - йирик корхоналарнинг хорижий мамлакатларга, шу жумладан ЕИга барқарор экспорти; - “яшил” металлургия лойиҳасини амалга ошириш; - жаҳон бозорида металлургия, машинасозлик, озиқ-овқат, кимё саноатининг маҳаллий товарлари, юқори технологияли ва илм-фанни талаб қилувчи товарлар рақобатбардошлигини ошириш; - “яшил” экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тизимини амалга ошириш; - “яшил” технологияларни жорий этиш давлат дастурларини амалга ошириш; - кадрлар малакасини ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда аҳолини хабардор қилиш. 	<ul style="list-style-type: none"> - жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган экспортчилар сони чекланганлиги; - кичик ва ўрта корхоналарнинг етарли даражада молиялаштирилмаганлиги сабабли хорижий мамлакатларга экспорт қилишнинг юқори харажатлари; - ишлаб чиқаришга, хизмат кўрсатишга “яшил” технологияларнинг суств жорий этилиши; - транспорт “яшил” логистикаси самарадор-лиги муаммолари; - экспорт диверсификациясининг паст даражаси; - экспортчиларнинг янги дастурий таъминотни сотиб олиш учун қўшимча харажатлари; - жаҳон қиймат занжирларида саноат корхоналарининг заиф иштироки; - “яшил” технологияларни жорий этиш учун малакали кадрлар етишмаслиги; - тадбиркорларнинг “яшил” технологияларни жорий этиш мотивациясининг паст даражаси.
O - Имкониятлар	T - Таҳдидлар
<ul style="list-style-type: none"> - ЕИ ва ЕОИИ ўртасида эркин савдо зонасини яратиш; - “яшил” экспорт товарларига жаҳон нархлари ошиши; - металлургия, машинасозлик, озиқ-овқат, кимё саноати товарларига халқаро талаб ошиши; - инфратузилмани ривожлантириш; - рангли металлларнинг катта захиралари мавжудлиги. 	<ul style="list-style-type: none"> - ишлаб чиқаришда экологик тоза бўлмаган технологиялар қўлланилган товарлар экспортни қисқартириш ёки тақиқлашни назарда тутувчи ЕИнинг “Яшил битим” лойиҳасини амалга ошириш; - экспортнинг хомашёга жаҳон нархларининг ўзгаришига боғлиқлиги; - жаҳон бозорларида “яшил” протекционизм сиёсатини ишлаб чиқиш; - экспорт таркибида хомашёнинг юқори улуши; - “яшил” технологияларни ривожлантириш учун катта миқдордаги инвестициялар.

“Яшил” экспорт ривожланишига муаммоларнинг экологик жиҳатини акс эттирувчи умумий омиллар ҳам, ўзига хос омиллар ҳам таъсир кўрсатади. “Яшил” экспортни ривожлантиришнинг ички ресурслари ва заиф томонлари йиғиндисидан келиб чиқиб, технологик, иқтисодий, ижтимоий-демографик омиллар ва давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган омилни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Технологик ва иқтисодий омиллар асосий ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида “яшил” экспортни шакллантириш ва экологик тоза технологияларни жорий этишнинг ҳозирги босқичида ушбу соҳани ривожлантириш ташаббуси ва рағбатлантиришнинг асосий юки давлат зиммасига юклатилган.

Мутахассисларнинг фикрича, биринчи навбатда, транспорт воситалари ва қурилиш материаллари самарадорлигини оширишга қаратилган технологиялар ишлаб чиқилади. Нано-,

био ва ахборот технологиялари, энергия сақлаш қурилмаларини яратиш истиқболлидир, шунингдек, машинасозлик ва агросаноат маҳсулотларига ҳам талаб юқори бўлади. Шу боис, бу соҳалар миллий иқтисодиёт ва “яшил” экспортни ривожлантириш учун истиқболли ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида “яшил” технологиялардан фойдаланишни ўзичига олган маҳсулотлар ишлаб чиқариш даврини қайта яратиш зарур: хомашёни ишлаб чиқариш, экологик тоза транспорт, “яшил” энергиядан фойдаланиш, “яшил” энергиядан фойдаланишнинг шаффофлигини таъминлаш.

Шундай қилиб, тадқиқотимизда таклиф этилаётган экспорт модели ташқи савдо учун мўлжалланган товарнинг тўлиқ ҳаёт даврини қамраб олади. Бу “яшил” экспортни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг тизимлигини таъминлайди. ЕИ мамлакатларида “даврий иқтисодиёт” ҳамда чиқиндисиз ишлаб чиқариш ривожланган ва жорий қилинмоқ-

да. Узоқ муддатли истиқболда мамлакатимиз ташқи савдосида “яшил” экспорт устуворлигига эришиш учун миллий иқтисодиётнинг барча со-

ҳаларини – технологик, таълим, иқтисодий ва бошқаларни таркибий ўзгартиришни талаб қилади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони. URL: <https://lex.uz/docs/5841063>
2. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2>
3. A European Green Deal [Электрон манба] // European commission. URL: https://ec.europa.eu/info/strategy/priorities-2019-2024/european-green-deal_en (мурожаат санаси: 12.01.2023 й.).
4. Goldar A., Bhanot J., Shimp K. Prioritizing Towards a Green Export Portfolio for India: an Environmental Input – Output Approach // Energy Policy. 2011. Vol. 39, iss. 11. P. 7036–7048. URL: <https://doi.org/10.1016/j.enpol.2011.08.008> (мурожаат санаси: 12.01.2023 й.).
5. Huberty M., Zachmann G. Green Exports and the Global Product Space: Prospects for EU Industrial Policy. – Brussels, 2011. – 30 p.
6. Bıçakcıoğlu-Peynirci N., Tanyeri M. Stakeholder and Resource-Based antecedents and Performance Outcomes of Green Export Business Strategy: Insights from an Emerging Economy // International Journal of Emerging Markets, 2020. – P.1-46. URL: <https://doi.org/10.1108/ijem-03-2020-0245>.
7. Барышева Г.А., Егорова М.С. Зеленые технологии: определение понятия, этапы становления и роль в устойчивом развитии экономики. // Теория и практика общественного развития, 2019. – №12. – С.1-7. URL: <https://doi.org/10.24158/tipor.2019.12.8>
8. Основные направления развития логистики XXI века: ресурсосбережение, энергетика и экология / И.Н. Омельченко [и др.] // Гуманитарный вестник, 2013. – №10 (12). – С.1. URL: <https://doi.org/10.18698/2306-8477-2013-10-118>.
9. Фюкс Р. Зеленая революция: экономический рост без ущерба для экологии. – М., 2020. – 330 с.
10. Шеффи Й., Бланко Э. Достижение баланса: прагматичный взгляд на экологическую ответственность бизнеса. – М., 2020. – 576 с.
11. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси [Электрон манба] // URL: <https://lex.uz/docs/2876352> (мурожаат санаси: 12.01.2023 й.).
12. Ларин А.Н., Ларина И.В. «Зеленая» логистика – современная технология перевозочного процесса. // Инновационная экономика и общество, 2018. – № 4 (22). –С.47-53.
13. Якубов Р. Автоматизация – залог эффективной работы. // Тамозня, 2021. – №1 (450). – С.20-23.
14. Зеленая экономика и международная торговля: на пути к устойчивому развитию / В.Ю.Саламатов [и др.]. – М., 2020. – 48 с.
15. <https://rocб-europe.org/ru/uspeshnoe-zavershenie-vsemirnoy-konferentsii-zelenaya-tamozhnya> [Электрон манба] // Европа минтақаси Жаҳон божхона ташкилоти учун салоҳият яратиш бўйича минтақавий бюро сайти (мурожаат санаси: 12.01.2023 й.).
16. Qamar M.Z., Noor M., Dr. Wahid Ali, Qamar M.O. Green Technology and its Implications Worldwide [Электрон манба] // The Inquisitive Meridian, 2020. – Vol. 3, iss. 1. URL: <https://www.researchgate.net/publication/350443477> (мурожаат санаси: 05.01.2023 й.).
17. Berggren C., Kageson P. Speeding up European Electro-Mobility – How to Electrify Half of New Car Sales by 2030. Report for Transport and Environment. - Stockholm, 2017. – 82 p.
18. Кузнецова Г., Цедиллин Л. Стимулирование несырьевого экспорта: международный опыт и российская практика // Мировая экономика и международные отношения, 2018. –№ 5. – С.72-79. URL:<https://doi.org/10.20542/0131-2227-2018-62-5-72-79>.



**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ, МУЛК
ХУҚУҚИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ХУСУСИЙ
МУЛКНИНГ КАПИТАЛЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Норбоев Одил Абраевич -
ТДИУ Фундаментал иқтисодиёт
кафедраси доценти

 doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a5

Аннотация. Ушбу мақолада мулкчилик муносабатлари ва мулккий ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини яратиш, ушбу ҳуқуқларни чеклаётган омиларни бартараф этиш бўйича вазифалар ижросини таъминлаш. Шу билан бирга мулкчиликни ривожлантиришда ҳуқуқимиз томонидан олиб борилаётган ислохотлар ёритилган. Олиб борилган таҳлиллар натижасида хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклашни назарда тутувчи, мулккий муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишга тўқинлик қилувчи чекловларни бекор қилиш бўйича ҳулосалар олинган.

Калит сўзлар: мулкчилик муносабатлари, хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи, чекловлар, бекор қилиш бўйича ҳулосалар.